Экспорт қилинмоқда

Нукус. Мамлакатимиз шимолида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси далаларида етиштирилаётган пахта толаси сифати яхши бўляпти. Шунинг учун ҳам жаҳонда бундай толанинг харидорлари кўпаймоқда.

Янги ҳосилдан 5549 тонна пахта толаси Швецария, Корея, Италия, Украина ва бошқа давлатларга экспорт қилинди.

Айниқса Манғит, Хўжайли, Беруний, Тўрткўл, Халқобод, Қўнғирот пахта тозалаш заводларида қайта ишлаб чиқарилаётган пахталарнинг толаси сифат жиҳатдан кўнгилдагидек бўлаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

Ҳартанг меҳмонларга мунтазир

Ҳадис илми равнақига улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз имом ал-Бухорий таваллуди тўйига саноқли кунлар қолди. Бу қутлуғ маърака тадбирларини юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ барча ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Ҳазрат абадий қўним топган Самарқанд вилояти Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғи меҳмонларга мунтазир. Бу табаррук қадамжода айни пайтда сўнгги юмушлар ниҳоясига етказилмоқда.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги гуруҳ мазкур зиёратгоҳда бўлди. Қисқа фурсатда қурувчилар, қўли гул усталар, лойиҳачилар, мутахассисларнинг тинимсиз ғайратшижоати билан эски масжид ўрнида миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида шарқона кошоналардан иборат ёдгорлик мажмуи бунёд этилганидан мамнуният изҳор этилди. Ташкилий қўмита аъзолари сўнгги ишларни кўздан кечириш билан бирга, юбилейга бағишланган халқаро анжуманга тайёргарлик бўйича айрим камчиликларга эътиборни қаратдилар. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Бу дунёнинг ишлари

Маҳаллий аҳоли ёрдамга келди

Таҳар вилоятининг маркази бўлмиш Талакан шаҳри учун Аҳмад Шоҳ Маъсуд аскарлари олиб борган жангларда толибонлар 350 га яқин аскарларини йўқотди. Маъсудчилар толибонлардан 250 нафарини асир олдилар. Асирга олинганлар орасида қўшин қўмондони Абдул Вакил ҳам бор. Бу ҳақда «Шураи назар» деб номланган маъсудчилар ҳаракатининг вакили Муҳаммад Ориф ахборот берди. Унинг айтишига қараганда, икки ойдан бери бу ерда ҳукмронлик қилаётган толибонларга қарши маҳаллий аҳолининг қўллаб-қувватлаши туфайли ана шу ғалабага эришилди. Шоҳ Маъсуд аскарлари ҳужумкорликни давом этказишиб, аҳоли яшайдиган йирик худудлардан бири Ишамишни эгаллашди. Бу ердан қўшни Кундуз вилоятини қўлга олиш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Шоҳ Маъсуд аскарлари иккита маъмурий районларни қийинчиликсиз эгаллашди ва 2 та ҳарбий вертолёт, 50 та танк, 100 га яқин юк автомашиналарини асирга олдилар.

Кузатувчилар иш бошлади

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг бир гуруҳ вакиллари бугун Косовога келди. Улар бу ерда иш олиб борувчи 2000 кишидан иборат кузатувчиларни жойлаштириш билан шуғулланадилар. Кузатувчилар Югославия Президенти Милошевичнинг Косовода ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, у ердан ҳарбий кучларни олиб чиқиб кетиш, қочоқларни ўз яшаш жойларига қайтариш тўғрисидаги ваъдасининг бажарилишини текширадилар. Бу ишга Америка дипломати Грехем Уолкер раҳбарлик қилади. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда Косовонинг серб ҳарбийлари турган қисмини ракеталар билан ўққа тутиш тўғрисидаги НАТО келишуви ўз кучида қолади.

Бу дунёнинг ишлари

Гиламда Бобур сиймоси

Андижондаги «Меҳнат гули» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Заҳириддин Бобурга ўзига хос эҳтиром кўрсатди. Тўқув цехи ишчиларидан она-бола Инобатхон Эргашева билан Зийнатхон Отабоевалар Бобур сиймосини гиламга туширишга аҳд қилдилар. Онабола бундай масъулиятли ишни бажаришда ақл ва зийраклик билан муддаога етишмоқда. Шоир сиймосини гиламда акс эттириш бўйича чеварларга рассом Абдуллажон Жўраев кўмаклашмоқда.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 20 октябрь, сешанба • № 125 (24.362).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Эртанги кун масъулияти

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Туркманистонда бўлди

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги бугунги муносабатлар ҳақида сўз юритишдан олдин муҳим бир жиҳатни эслаш керак бўлади. Айни замонда Марказий Осиё мамлакатлари деб аталаётган давлатларнинг илдизи битта — Туркистон. Шу сабабли бугунимизни ҳам, келажагимизни ҳам айри-айри тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, XX аср сўнгига келиб дунёда давлатларнинг алоҳида-алоҳида эмас, балки минтақаминтақа бўлиб, бир бутун бўлиб ривожланиш анъанаси кузатилаяпти. Шу боис Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, сиёсат, иқтисодиёт, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби масалаларда баҳамжиҳат иш кўриш оға-ини, қардош давлатларнинг ҳар бири учун табиий заруратдир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳокама этилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар буни яна бир карра тасдиқлади. Мулоқот чоғида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, шу кунгача икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, маданий-маънавий алоқаларни бундан-да чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Президентлар ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳар икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бунинг учун эса давлатларимизда зарур салоҳият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли.

Туркманистон Президенти саройи — «Туркманбоши кўшки»да бўлиб ўтган учрашув ниҳоясида Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, икки давлат учун ҳам бирдек аҳамиятга эга муҳим масалаларга тўхталди.

— Биз учун асосий масала — минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

— Хусусан, Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият, нотинчлик ҳаммамизни жиддий ташвишга солади. Шу боис биз мамлакатларимиз хавфсизлигига дахл қиладиган хавф-хатарни батамом бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғимиз, бу борада бамаслаҳат иш юритмоғимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, вазифамиз шундан иборатки, мамлакатларимиз тараққиёти, халқларимиз фаровонлиги учун нимаики лозим бўлса, шуни муҳайё этмоғимиз зарур.

Шу ўринда бир ҳолни таъкидлаб ўтиш керак. Қўшни мамлакатларга Афғонистондаги уруш учқунларининг ён-атрофга сачраши хавфигина дахл қилмайди. Унинг қозонида қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, экстремизм, диний фанатизм каби унсурлар борки, мулоҳаза этиб, ушбу хавфнинг нечоғлик жиддий эканини тушуниш қийин эмас.

Президентлар Афғонистон муаммоси бўйича ўз муносабатларини баён этишар экан, афғон можароси фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилмоғи зарурлигини яна бир бор таъкидлаб, бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан илгари сурган ташаббусни қўллаб-қувватлаяжакларини айтдилар.

Музокараларда икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо алоқаларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хўш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш нималарга боғлиқ? Аввало, ўзаро коммуникация, хусусан, транспорт коммуникациясини ривожлантириш керак. Қолаверса, икки қўшни давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши қишлоқ ва сув хўжалиги билан боғлиқдир. Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 90 миллион АҚШ долларига етиши мўлжалланаётир. Ўзаро иқтисодий алоқаларимизни янада юксалтириш учун имкониятлар етарли. Энг муҳими, бунинг учун давлатларимиз ўртасида мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган.

Кези келганда Туркманистоннинг бугунги куни ҳақида тўхталиб ўтсак. Биламизки, Туркманистон ўзини нейтрал давлат деб эълон қилган. Унинг ҳам, бошқа янги мустақил давлатлар қатори ўзига яраша жиддий муаммолари, ташвишлари бор. Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш бўйича ҳали амалга оширилиши зарур ишлар талайгина. Мамлакатга нефть ва газ маҳсулотларидан салмоқли даромад келади. Шунингдек, бугун бу ерда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда қурилган тўқимачилик фабрикалари самарали фаолият кўрсатаяпти. Пойтахт шаҳар — Ашгабатда кейинги йилларда қад ростлаган ҳашаматли бинолар, меҳмонхоналар, бугунги кунда ҳам давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари кишининг эътиборини тортади. Бу бунёдкорликни рамзий маънода Туркманистон халқининг эртанги кунга бўлган ишончи, деб таърифлаш мумкин.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ҳар икки давлат манфаатларига ҳам бирдек мосдир. Энг асосийси, бу саъй-ҳаракатларнинг замирида битта жиҳат — эртанги кун масъулияти, келажак авлод олдидаги жавобгарлик ҳисси ётади. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни баҳамжиҳат бартараф этиш мамлакатларимиз мустақиллигининг бардавомлиги, давлатларимиз равнақи учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Ашгабат—Тошкент.

Суратда: учрашув пайти. *Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. Т. Жалиловни Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулаҳат Туропович Жалилов Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. Т. Жалиловга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Абдулаҳат Туропович Жалиловга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. Т. Жалиловни Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Абдулаҳат Туропович Жалилов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 октябрь

ИМТИЁЗЛИ ОБУНА

Обуна 99

Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиевнинг ташаббуси билан кўп болали ва кам таъминланган оилалар 30, ногиронлар эса 50 фоиз арзонлаштирилган баҳода газета ва журналларга обуна қилинадиган бўлди.

— Вилоятимизда «Обуна — 99» яхши йўлга қўйилган, — дейди «Сурхондарё почтаси» акционерлик жамияти бош директори Маҳмуд Муҳаммадиев. — Бу борада турли йиғилишлар, тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Шу кунга қадар Термиз, Шеробод ва Деновда туманлараро йиғилишлар бўлиб, унда барча ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Бизга туман ҳокимлари, ХДП туман кенгашлари раҳбарлари ва фаоллари яқиндан ёрдам бермоқда.

Денов ва Шўрчи тумани халқ маорифи бўлимлари, «Чағониён» ҳиссадорлик жамияти, Денов нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси, «Шўрчипахта» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа кўплаб жамоалар бу йил ҳам «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига обунани уюшқоқлик билан амалга оширмоқда. Бу жамоаларда 30-250 тагача обуна бўлишмоқчи.

— Жамоамизда минг киши меҳнат қилади, — дейди Ш. Рашидов номидаги Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси О. Бекназаров. — XXI аср остонасида турибмиз. Ҳар лаҳзада курраи заминимизда қанчадан-қанча воқеа ҳодисалар. Шуларни ўқиб, билиб бориш учун, қолаверса, мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлардан бохабар бўлишни газетасиз тасаввур этиш қийин. 400 дан ортиқ киши «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана»га обуна бўлишмоқчи.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси «Ўзқишхўжтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизнинг етакчи нашрларидан бири — «Ўзбекистон овози» газетаси энг муҳим соҳалардан саналмиш қишлоқ хўжалиги, унинг ютуқ ва камчиликлари, турли муаммолари ҳақида холисонилло ёритилаётгани эътиборга лойиқдир. Қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур этиш қийин. Техника таъминот-тузатиш соҳаси ҳам кун сайин такомиллашиб бормоқда. Энди шу соҳага жиддий эътибор бераётган газетага обуна бўлмаслик, унинг ҳар бир сонини эътибор билан ўқимаслик мумкинми?

Ҳар куни иш фаолиятимни кундалик газеталарни варақлашдан бошлашга одатланганман. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана»нинг ҳар бир сони эрталаб иш столимда туради. Шундай экан, унга обуна бўлиш ҳақида изоҳга ҳожат йўқ. Ўйлайманки, тармоқ, соҳа раҳбаридан тортиб энг қуйи бўғин ходимларигача газета билан узвий алоқада бўлиши шарт.

Узбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 20 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари 106 сўм, 58 тийин.

Жондорда қайта ишланади

Жондорликлар бу йил етиштирилган 55 минг тонналик ҳосилни Бухородаги пахта тозалаш заводига топшириш ташвишидан қутилдилар. Туманда ҳашар йўли билан пахта тозалаш заводи қурилди. 250 миллион сўм сарфланган бу корхонани 20-«Қишлоққурилиштрести» ҳиссадорлик жамиятининг бунёдкорлари барпо этишди. Ускуналар асосан вилоят пахта тозалаш заводларидан келтирилди. 70 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлган бу корхона янги ҳосилни қабул қилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллат ва мақсад

Яқинда бир тарихий баённи ўқиб қолдим. Ватан озодлиги йўлида қурашиб юрган кезлари Амир Темур бобомиз бошидан шундай кечмиш ўтган экан.

Гармсир чўлида юз берган жанглардан бирида қўлидан яраланган, сафдошларидан айрилган Соҳибқирон жазирама иссиқ тафтидан қочиб деворга суяниб ўтирганда хаёлига шундай фикр келган эди:

«Нимаи-ки ҳаракат бўлса, қилдинг. Муродга етмоқдан эса ҳамон дарак йўқ. Энди бу ёғига қўя қол, қаноат қил, ўзингни курашдан тийиб четга чиққанинг маъқул». Шу аснода Соҳибқироннинг кўзи девор узра ўрмалаб бораётган нимжонгина бир чумолига тушди. Ярим масофага кўтарилмасданоқ, бир неча марта ерга йиқилиб тушишига қарамай, чумоли ҳар сафар қаддини ростлаб, яна юқорига, марра томон ҳаракат қилаверибди. Охири мақсадига етибди ҳам. Мазкур воқеа Соҳибқирон руҳиятига қаттиқ таъсир қилиб, шундай заиф жонзот ўз мўлжалига эришиш учун шунчалар жафо чекиб охири муродига етишсаю, мен-чи, деб ўзига савол берди. Иродасини қўлга олиб сўнгги нафасигача олий мақсад йўлида курашишга аҳд қилибди...

Менга бу тарихий воқеанинг таъсир қилган жиҳати шу бўлдики, халқимизнинг ўзига яраша табиати, фазилатлари бор. Булардан бирини қуйидаги нақлдардан кўришимиз мумкин. Масалан: «Яхши ният — ярим давлат», «Орзуга айб йўқ». Уларнинг маъзини чақиш қийин эмас. Яъники ҳар бир инсон, яхши яшай, бирон бир касб-кор эгаси бўлай, бахтли оила қурай, фарзандларим роҳатини кўрай, эзгу ном қолдирай, деб яшайди ва бу йўлда табиий равишда баҳоли қудрат ҳаракат қилади. Албатта, ҳар бир инсон ўз мақсадига турли йўл билан эришади.

Биз ҳозир бу йўллар тўғри ёки нотўғри экани ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Ниятимиз битта, у ҳам бўлса, мақсадга эришиш учун инсондан нималар талаб қилинади? Яна ўтмишга мурожаат қилсак.

Яқинда буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Биз Жалолиддинни қадрлашимиз сабаблари кўп. Улардан асосийси, фикримизча, энг олий мақсад Ватан озодлиги учун курашда Жалолиддин кўрсатган фидойилик. Бир-икки кунлик эмас, ўн бир йиллик тинимсиз кураш! Очиғини айтганда, ўша замон воқелигидан келиб чиқсак, Жалолиддин Мангуберди ҳамма нарсага эга эди. Бойлик дейсизми, билим ва салоҳият дейсизми. У ҳам ўзининг баъзи бир замондошлари каби қолган умрини бирон-бир чекка, беҳавотир жойда ҳузур-ҳаловатда ўтказиши мумкин эди. Лекин у буларнинг баридан кечди. Ўзлигини миллат озодлиги учун курашга бағишлади.

1221 йили босқинчи Чингизхон билан бўлган шиддатли жангдан сўнг, Жалолиддин асирликдан қутулишнинг иложи йўқлигини англагандан сўнг, фарзандлари душман қўлида қул бўлмаслиги учун ўз оиласини дарёга чўктиришни буюради, ўзи ҳам дарёга ташланади. Бахтига омон қолади. Жалолиддиннинг жасорати Чингизхонни ҳайратга солади: у султонни таъқиб этишни манъ этиб, ўз ўғилларига шундай дейди: «Ота ўғил мана шундай бўлиши керак. Модомики, у шундай жангдан тирик чиқиб кетдими ва шундай гирдобдан қирғоққа чиқиб ҳалос бўлдими, энди тинч турмайди!»

Шундан сўнг Жалолиддин, айтилганидек, ўн бир йил давомида ўз юртида озодлик байроғи тимсоли учун ҳаракат қилди.

Тўғри у мақсадига эриша олмади ва бир қараганда шунча уринишлари, чеккан азоб-уқубатлари беҳуда кетгандай, лекин аслини олганда эса, бундай эмас. Унинг машаққатли, фидокорона ҳаёти бугунги авлодга зўр намуна. Бошқача айтсак, ана шунинг ўзи мақсаднинг рўёбга чиқиши эмасми?

Шу маънода яна бир фикрни айтишни жоиз топдик. Одатда ўзбек оилаларида кўпни кўрган отахон, мунис онахонларимиз дуога қўл очар эканлар «Биз кўрган қийинчиликларни сизлар кўрманглар» дея фотиҳа берадилар. Албатта, биз уларнинг эзгу-ниятларини тўғри тушунамиз. Шундай бўлсин ҳам деймиз.

Аммо ҳаёт текис йўлдан иборат эмас. Унинг ўзига яраша аччиқ-чучуги, паст-баланди бор.

Инсонга омад, бахт, ризқ, осмондан ёғмайди. Яратганга нисбат бериб айтилган «Сендан ҳаракат, мендан баракат» ҳикматининг тагида инсонни меҳнату-машаққатдан чўчимасликка даъват этувчи чуқур маъно мужассам.

Зеро, одам боласи эга бўлган жамики моддий ва маънавий бойликлар тинимсиз меҳнат ва изланишларнинг ҳосиласидир.

Шу ўринда бугунги воқеликка қайтсак, ўтиш даври ҳеч бир мамлакат ёки халқ ҳаётида силлиқ кечмаган. Юртимизда кечаётган бугунги ўзгаришлар ҳам ҳар биримиздан ҳаётга теран нигоҳ билан боқишни, воқеаларни ақлу-фаросат билан идрок этишни, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр бўлишни талаб қилмоқда.

Ўзимизни, фарзандларимизни шундай тарбия қилмоғимиз керакки, то қийинчиликлар олдида ўзимизнинг иродамизни синдириб, қаддимизни букиб қўймайлик. Зеро, жамият иродаси, жасорати унинг аъзолари оддий кишиларидаги ирода ва матонатга боғлиқ. Кучли инсонлардан иборат миллат кучли бўлади.

Истиқлолнинг илк йилларида бир оз соддалик ва тажрибасизлик қилибми «Мустақиллик менга нима берди» деган саволни қўйганлар ҳам бўлди. Аслида эса одамларнинг тилида ва дилида ўзгача бир савол бўлиши лозим.

«Мен истиқлолга, Ватанимга нима бердим?». Давр ўзгармоқда, шу билан бирга халқимиз, миллатимиз руҳи, дунёқараши, онгу-тафаккури ҳам янгиланиб бормоқда. 1991 йилда биз қўл етмас бўлиб туюлган марралар истиқлол йилларидаги бунёдкорлик меҳнати туфайли ҳаётимиз ҳақиқатига айланиб бормоқда. Йўл бошида олдимизга қўйилган юксак мақсадларга эришишда не-не машаққатлар чекилганини биров бугун билади, биров билмайди. Асака, ё Бухородаги корхоналарни барпо этиш ўз-ўзидан бўлдими? Дунёнинг тўрт томонига йўл очиш тадбирлари осонлик билан кечмоқдами? Йўқ, албатта. Шундай деймизда, аммо миллат бўлиб, халқ бўлиб уларнинг моҳиятини англашда баъзан ожизлик қиламиз. Балки бунинг сабаби, шундай бўлиши керак, шундай бўлаверади, қабилидаги боқимандалик кайфияти, дунёқарашининг онгимизда ўрнашиб қолганидадир? Балки, агар, ҳар биримиз, аввало фарзандларимиз, мақсадга эришмоқ учун жафо чекиш, ҳамма нарсадан воз кечиш зарурлигини англаб етсак, бу тушунча миллий одатга, қарашга айланса, шундагина кенгроқ миқёсдаги жараёнлар моҳиятини тезроқ ва ўз вақтида англаб олармиз. Балки шундагина ўзимиз ҳам, миллатимиз ҳам ҳар қандай синовга бардошли бўла оламиз.

Яна Темур бобо билан юз берган воқеага қайтсак. Ҳақиқатан, заррадеккина қумурсқа ўз мақсадига етишда ортга қайтмай, марра томон астойдил интилиб муродига етса-ю, онгли инсон ўз ҳаётини қандай қурмоғи керак? Бу борада ҳаммага мақбул маслаҳат бериш қийин. Шу билан бирга буюк аждодларимиз ҳаёт йўлидан ибрат олганимиз барчамизга фойдали бўлишига ишонаман. У ҳам бўлса, олдимизга қўйган катта-кичик мақсад сари астойдил интилиш, бу йўлда дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериш, машаққатлардан чўчимаслик, умид сари одимлашда ҳузур-ҳаловатдан кечиш, олий мақсад учун ўзликни бағишлаш, ана шундай кишилари кўп миллатнинг ҳам олий мақсадлари тезроқ рўёбга чиқажак, иншоаллоҳ.

Шаҳзода МУҲАМЕДОВА

Академик лицей

Фарғона Давлат университети қошида Академик лицей очилди. Жаҳон андозаларига мосланган бу лицейда ўқувчилар билим чўққиларини эгаллаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Билимгоҳни ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги шодиёналари арафасида очилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Урганчда «Супермаркет»

Урганч шаҳрининг 350 йиллик тўйи муносабати билан ободонлаштириш ишларига аҳамият берилди. «Хоразмсавдо» компаниясига қарашли «Шоҳдил» савдо ишлаб чиқариш фирмаси ишга тушганлиги ҳам хайрли юмушлар самарасидир. Харидор ушбу дўкондан исталган маҳсулотни топиши мумкин. Уларга барча қулайлик яратилган. Фирма қошида эса қандолатчилик, новвойхона, тикувчилик цехлари ташкил қилинди. «Супермаркет» расталарига минг хилдан кўпроқ маҳсулот териб қўйилган.

Рўзимбой ҲАСАН

Ўзбекистон ХДП ҳаётидан

ПАРЛАМЕНТЧИЛИК – ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўп қиррали фаолиятида парламентчилик иши алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, ҳар қандай демократик давлат ҳаётида парламент етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Демакки, парламентда иложи борича кўпроқ ўринларни эгаллаш ва у орқали ўз дастурий мақсадларини қонуний йўллар билан рўёбга чиқаришга интилиш ҳар қандай сиёсий партия фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

(«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», 60-модда)

Фракция фаолияти такомиллашмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ўтказилаётган сайловларда фаол иштирок этиб келмоқда. 1994 йил декабрида бўлиб ўтган умумий сайловлар натижаларига кўра, партиядан республика Олий Мажлисига 69, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесига — 40, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига — 259, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига 2866 нафар депутат сайланди. Кейинчалик ўтказилган қўшимча сайловларда сайланганларни ҳам ҳисобга олсак, мамлакат парламентидаги Ўзбекистон ХДП вакилларининг умумий сони 73 кишига етди. Партия ҳозирги кунда парламентдаги энг йирик партиявий фракцияга эга. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида барча сайланганларнинг 48,4 фоизи, айрим шаҳар ва туман Кенгашларида ундан ҳам кўпроғини ХДП вакиллари ташкил этаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Бундай катта нуфузли сиёсий кучдан миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, туб ислоҳотларни изчил амалга ошириш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида, партия, биринчидан, парламентчилик соҳасида тўпланган илғор хорижий тажрибани ўрганишга эътибор берган (депутатларимиз АҚШ конгресси, ГФР бундестаги тажрибаси билан бевосита танишдилар) бўлса, иккинчидан, депутатларни уюштириш, уларнинг ўз ваколатлари доирасидаги фаолиятларига кўмаклашишни ўзининг муҳим вазифаси ҳисобламоқда. Шунга кўра ва қонунчиликка таянган ҳолда, партиянинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳлари шакллантирилди.

Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади.

(«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун, 13-модда)

Табиийки, партия Марказий Кенгаши раҳбарияти ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ишига жиддий эътибор бермоқда. Ҳар бир сессия олдидан фракция аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиб, унда сессиянинг таклиф этилаётган кун тартиби, муҳокамага қўйилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан Олий Мажлис қўмиталари тайёрлаган лойиҳаларга депутатларининг умумий муносабати ишлаб чиқилмоқда. Бунда ушбу йиғилиш арафасида, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми томонидан сессияга доир масалалар юзасидан, партия нуқтаи назарини шакллантириш ва депутатларга тегишли тавсиялар бериш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Одатда, навбатдаги сессияни чақириш муддати эълон қилинганидан сўнг, Марказий Кенгаш аппаратининг парламентчилик ишлари билан шуғулланувчи шўъбаси ва махсус тузилган ишчи гуруҳлари сессия кун тартиби ҳамда унда кўрилиши кўзда тутилаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатларимиз, шунингдек, маҳаллий партия ташкилотларидан тушган фикр-мулоҳазаларни обдон ўрганиб, тегишли таклифларни Олий Мажлис Кенгаши Котибияти ва фракция мажлисига тақдим этадилар.

Умуман олганда, ўтган салкам тўрт йил мобайнида фракция номидан Олий Мажлис Котибиятига қонунлар лойиҳалари юзасидан 1000 тага яқин таклиф юборилиб, уларнинг муайян қисми қабул қилинажак ҳужжатлар лойиҳалари устида ишни давом эттириш жараёнида инобатга олинганлигини айтиб ўтиш мумкин.

ХДП дан Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг бевосита иштирокида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг қарор топишида муҳим аҳамиятли қатор ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди, муҳокамага киритилди ва қабул этилди. Чунончи, республика Олий Мажлисининг 1997 йилда бўлиб ўтган VIII, IX ва X сессияларида мустақил давлатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ривожига, унинг халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, мамлакатимизда давом этаётган туб ислоҳотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган, 60 дан ортиқ, жорий йилдаги XI ва XII сессияларда эса — 40 тача қонун ва давлатимиз ҳаётига оид бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Парламентнинг (масалан, IX,X ва XII) сессияларида иштирок этган Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи» ва «Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови» ҳамда бошқа долзарб мавзуларидаги дастурий нутқларида баён этилган ва барча депутатлар, шу жумладан партиямиз вакиллари, томонидан маъқулланган қоидалар парламент қабул қилган қонун ҳужжатларида ўз аксини топди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, партиянинг парламентдаги депутатлари унинг қўмита ва комиссияларининг доимий аъзо ҳамда раҳбарлари сифатида Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясини тайёрлаш ва уни юксак ташкилий-сиёсий савияда ўтказишга, қонун ҳужжатларининг дастлабки лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг сессиялди муҳокамасини ўтказиш, қиёмига етказишда фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов, Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарик, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитаси раиси Н. Исмоилов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Ш. Рашидова ва бошқа қатор депутатларимизнинг парламентчилик фаолияти таҳсинга лойиқ. Олий Мажлиснинг шу йил 28-29 август кунлари, мамлакатимиз давлат мустақиллигининг етти йиллиги арафасида, бўлиб ўтган XII сессиясида депутатларимиз катта фаоллик кўрсатдилар. Депутат Э. Воҳидов мамлакатимиз йўлбошчисининг ушбу сессияда сўзлаган нутқига ҳамоҳанг, ўзи раҳбарлик қилаётган Қўмитанинг, фракциямиз қўллаб-қувватлаган, ташаббуси асосида Афғонистондаги вазият хусусидаги махсус Баёнотни қабул қилиш ҳақида таклиф киритди. Уни фракциямиз аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова, «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими кенгашининг раиси С. Усмонов ва бошқалар маъқуллаб чиқдилар. Парламентнинг Афғонистондаги кейинги воқеалар хусусидаги Баёноти якдиллик билан қабул қилинди. Сессияда партиянинг парламентдаги вакилларидан — Ф. Муҳиддинова, Т. Усмонов, Б. Юсупов, Т. Сатторов, М. Мирҳамзаев, В. Кучеров ва бошқалар, жами 18 киши, лойиҳалар юзасидан маъруза қилдилар ё муҳокаларда иштирок этдилар. Сессияда қабул қилинган 20 та қонун ҳужжатларининг қабул қилинишида уларнинг ҳиссаси катта.

Кўпгина депутатлар фракция йиғилишларида сессия кун тартибига киритилажак масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, қонунлар лойиҳасини яхшилашга қаратилган таклифлар киритмоқдалар. Бу ўринда, Р. Мухторов, М. Алтиев, Ю. Нишонов, С. Усмонов, А. Мелкумов, С. Ҳабибов, О. Ҳалимбетов ва айрим бошқа депутатларнинг номларини мамнуният билан келтириш мумкин.

Депутатларга кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVI пленуми тавсиясига кўра, республика парламентига партиядан сайланган вакилларнинг ахборотларини фракция йиғилишларида тинглаш йўлга қўйилди. Ушандан буён фракция аъзоларидан Т. Сатторов, Т. Ўринов, Р. Қурбонов ва бошқа депутатларнинг депутатлик вазифаларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ахборотлари эшитилиб, улар тўпланган ижобий тажрибани ўрганиш бошқаларга тавсия этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик фаолиятини ташкиллаштиришда Марказий Кенгашдан тортиб маҳаллий кенгашлар ва бошланғич ташкилотларгача бўлган партия тузилмалари фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари фракция аъзоларига кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлис сессиялари кун тартибига киритилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан олимлар, мутахассислар, ҳуқуқшунослар, тажрибали фаолларнинг фикр-мулоҳазаларни йиғиб, улар билан депутатларни таништирмоқдалар ҳамда энг муҳим таклифлар умумлашмасини Марказий Кенгаш ишчи гуруҳи ва Олий Мажлис Котибиятига етказмоқдалар. Пойтахт партия ташкилотида умумхалқ муҳокамасига чиқарилган айрим қонунлар лойиҳаларини ХДП бошланғич ташкилотларининг очиқ мажлислари ёки фаоллар йиғилишларида кўриб чиқиш тажрибаси мавжуд. Бу нарса депутатларимизга ёрдам бўлиши билан бир қаторда, партия аъзолари, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун ҳам аҳамиятлидир.

Партиянинг парламентчилик сирларини эгаллаши, Олий Мажлисдаги ўз фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари фаолиятини ривожлантиришда ХДП марказий нашрлари ҳамда маҳаллий партия кенгашларининг газеталари ҳам баҳолиқудрат кўмаклашмоқдалар. Айниқса, «Ўзбекистон овози» газетасининг «Депутат минбари» рукнидаги мақола ва мусоҳабалари (масалан, депутатлар Х. Эрматов, А. Алимбаев ва бошқаларнинг ашёлари), фракция йиғилишлари, парламент сессиялари хусусидаги ахборотлар, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳақидаги ҳисоботлар, қонунлар лойиҳаларини мунтазам эълон қилиш газетахонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон ХДПдан парламент ва барча даражадаги маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар янги қонун ва бошқа давлат аҳамиятига молик ҳужжатларнинг мазмун-аҳамиятини аҳолига етказиш ишига ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Бунда уларнинг ушбу ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишда қатнашганликлари ҳамда Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўминнинг топшириғига мувофиқ МК бўлимлари томонидан Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси якунларига доир махсус маълумотномалар тайёрланиб, жойларга етказилаётганлиги қўл келмоқда. Бу ишда улар ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари, уларнинг ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Маърифат» марказлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Шу билан бирга, кўпгина депутатлар партия ташкилотлари уюштираётган турли оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда ҳам иштирок этиб, сайловчилар, қоланверса, фуқароларнинг кенг доираси билан ўз алоқаларини мустаҳкамламоқдалар.

Депутатлар қабулхоналари ҳаракатда

Депутатларнинг сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамлашда, депутатлик фаолияти самарадорлигини оширишда махсус қабулхоналарнинг аҳамияти беқиёсдир. Шуни ҳисобга олиб, партия кенгашлари бу масалага масъулият билан ёндошмоқдалар. Улар ушбу масалада ташаббус кўрсатиб, қабулхоналарни ташкил қилиш учун махсус жойлар ва жиҳозлар ажратмоқдалар, тегишли шарт-шароитларни муҳайё этмоқдалар, Чунончи, Андижон вилояти барча шаҳар ва туман партия кенгашларида депутатлик қабулхоналари ташкил қилиниб, уларнинг иши йўлга қўйилди. Депутатларнинг фуқароларни қабул қилиш вақтлари келишилиб, бу ҳақда аҳоли хабардор қилинди. Олий Мажлис ёнинки маҳаллий Кенгашларнинг ҳар бир депутатига, амалий кўмак бериш мақсадида, услубий, ахборий, ташкилий ёрдам (ашёлар, маълумотномалар, адабиётлар) кўрсатилмоқда. Бу борада Андижон шаҳар, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Балиқчи туман партия кенгашларида анчагина тажриба тўпланган.

Фарғона вилоят партия ташкилотининг саъй-ҳаракатлари билан ХДП туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурида 188 та депутат қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда кўплаб сайловчилар депутатлар томонидан қабул қилиниб, унинг давомида тушган 1000 тага яқин ариза ва шикоятлар рўйхатга олинди. Диққатга сазовор жойи шуки, кўриб чиқилган шикоятларнинг 60 фоизи ижобий ҳал қилиниб, қолганлари ечимини топиш учун тегишли ташкилотларга жўнатилди. Данғара, Бешариқ туманлари ва Марғилон шаҳар партия кенгашлари депутатларга ўз бурчларини адо этишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Хоразм вилоятида ХДПдан сайланган депутатлар учун барча шаҳар ва туман партия кенгашлари қошида депутатлик қабулхоналари ташкил этилиб, фуқаролар қабули, белгиланган жадвал асосида олиб борилмоқда. Айниқса, Қўшкўпир, Хива, Хонқа, Шовот туманлари ва Урганч шаҳар партия кенгашлари ҳузуридаги депутатлар қабулхоналари яхши ишламоқдалар. Сайловлардан буён ўтган вақт давомида партиядан сайланган Олий Мажлис депутати Ғ. Машарипов 40 дан зиёд, вилоят Кенгаши депутатлари 250 дан кўпроқ, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари — 2100 мартадан ортиқ учрашув ва мулоқотлар ўтказдилар. Натижада, 3 мингга яқин фуқаро қабул қилинди, уларнинг 430 дан зиёд мурожаат, хатларида қўйилган муаммолар ижобат топди. Партия ташкилотларининг ташаббуси билан фаол депутатларнинг иш тажрибаси плакатлар орқали оммалаштирилди, маҳаллий газеталарда 20 дан ортиқ депутатнинг фаолияти ёритилди.

Депутатлар қабулхоналарини ташкил қилиш, уларнинг ишини йўлга қўйиш, депутатларнинг аҳоли турли табақалари билан мулоқотларини ўтказиб туриш борасида Қашқадарё вилоят партия ташкилоти, айниқса, Қарши, Касби ва Чироқчи туманлари партия кенгашларида муайян ишлар олиб борилмоқда. Вилоятдаги барча партия кенгашларида ташкил этилган депутатлар қабулхоналарининг кўпчилиги талаблар даражасида фаолият кўрсатмоқда. Шу пайтгача, депутатлар томонидан, 600 тага яқин ариза ва мурожаатлар кўриб чиқилган, улардан 65 фоизга яқини ижобий ҳал этилиб, баъзилари тегишли ташкилотларнинг эътиборига ҳавола этилди.

Шу кунгача, ХДП кенгашлари ҳузурида, республика бўйича, жами икки мингдан зиёд депутатлар қабулхоналари ташкил қилинган. Уларда минглаб сайловчилар қабул қилиниб, фуқароларнинг минглаб ариза ва мурожаатлари кўриб чиқилмоқда, шулардан аксарияти ижобий ечилмоқда, қолган қисми идора ва ташкилотларга юборилиб, назоратга олинмоқда.

Халқ хизматида

Давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг, хусусан Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг, биринчи ва асосий вазифаси — қонуняратувчилик ишидир.

Шу билан бирга, ҳаёт, амалиёт депутатнинг фаолиятини фақат қонуняратувчилик иши билан чеклаб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Ҳозирги қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар томонидан, депутатларга наказлар бериш кўзда тутилмаса-да, кундалик ҳаётда фуқаролар уларга ранг-баранг талаб-истаклар билан, ёрдам сўраб мурожаат қилмоқдалар. Депутатлар ҳақли равишда одамларнинг арз-додини эшитиш, уларнинг оғирини енгил қилишга мадад беришни ҳам ўз бурчлари, деб ҳисоблайдилар. Партия уларнинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Республика аҳолисининг ҳаёти тўкис бўлиши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат қоидаларига оғишмай амал қилиниши партия фаолиятининг асосий мақсадидир.

(«Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури»дан)

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, депутатларнинг аксарияти халқимизнинг ҳаётидан узилиб қолмай, сайловчилари аҳоли кенг табақаларининг турмуш-юмушлари билан узвий боғлиқликда яшаб, уларнинг қувончу ташвишларини баҳам кўрмоқдалар. Чунончи, **Қорақалпоғистонда** партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб сайланган А. Абдукаримов Наманшига Олий Мажлис депутати Р. Мухторов жиддий ҳисса қўшди. Унинг иштирокида Жалолқудуқ туманида «Ёрқишлоқ—Андижон» автобус йўналиши очилди, Андижон тикув-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мазкур қишлоқда жойлашган филиали фаолияти қайта тикланиб, бугунги кунда бу ерда 500 дан зиёд хотин-қизлар -меҳнат қилмоқдалар. Депутат ҳаракатлари билан Ордай қишлоғида 422 ўринли мактаб қурилиб, ишга туширилди, «Ўзбекистон» маҳалласи газлаштирилди.

Бухоро вилояти Олот тумани, «Олот 50 йиллиги» 2-сайлов округидан депутат И. Носиров Олот шаҳри маҳаллалари кўчаларини ёритиш масаласини ҳал қилди. Шофиркон тумани «Нурафшон» жамоа хўжалигида барпо этилган, қиймати 2,5 миллион сўмни ташкил этган, қишлоқ врачлик амбулаториясининг ишга туширилишида халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати П. Хамроев жонбозлик кўрсатди. Шу кенгашдаги партия вакили Я. Норов «Хайдаробод» ва С. Шарипов номли жамоа хўжаликларида 5,5 км. масофага янгидан электр симларини тортиб беришга бош-қош бўлди.

Наманган вилояти Кенгаши депутати Ш. Абдуллаев томонидан Кўғай қишлоғи табиий газ билан таъминланиб, жами 8,2 км узунликдаги газ қувурлари қурилиб, ишга туширилди. Халқ депутатлари Норин туман Кенгаши депутати А. Қурбонов ёрдамида «Тошкент» жамоа хўжалиги ҳудудида 13,7 км. узунликдаги табиий газ қувури ётқизилди, шунингдек, «Пахта фронт», «Оқтовлик», «Гулистон», «Тегирмонбоши» маҳаллалари тўла газлаштирилди.

Косонсой туман Кенгаши депутати А. Қирғизовнинг, 2 та сартарошхона, дўкон, этиқдўзлик устахонаси қурилиб, фойдаланишга топширилишида, хизматлари катта. Бундан ташқари, «Мултон», «Говкуш», О.Ашуров номли кўчалардаги электр узатгичлари таъмирланди. 1 км. масофадаги йўлга шағал тўкилди, 40 та оилага бепул буғдой улашилди.

Самарқанд вилоятидан республика Олий Мажлиси депутати Т. Ўриновнинг ҳаракатлари туфайли 42 км. газ қувурлари тортилиб, 1000 та хонадон газлаштирилди.

Сурхондарё вилоятидаги С. Бойматов номли ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши депутати Э. Жумаев ташаббуси билан ҳудуддаги аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди, хонадонларнинг 90 фоизи табиий газдан баҳраманд бўлмоқда.

Термиз шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши аъзоси, «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти бош директори Н. Муҳаммадиев ташаббуси билан «Ногиронлар» уюшмасига 20 та махсус аравача сотиб олиб берилди. Депутат раҳбарлик қилаётган корхона бир мактаб, шаҳар тиббиёт маркази, болалар боғчасини ўз оталиғига олган ва уларга мунтазам амалий ёрдам бериб келмоқда.

Олий Мажлис депутати, Музробод дон маҳсулотлари корхонаси директори Қ. Амирқулов вилоят марказида, супермаркет биносини қурдиришни ўз зиммасига олди. У Бойсун тумани аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашда ибратли ишларни амалга оширган.

Ушбу вилоят партия кенгашининг аъзоси Ж. Қосимов — халқ депутатлари Денов шаҳар Кенгаши депутати. Унинг ёрдами билан «Лолазор» маҳалласидаги йўллар асфальтланди, барча хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Маъмурият ва бошланғич партия ташкилотининг ғамхўрлиги туфайли меҳнат жамоаси аъзоларининг матбуот нашрларига обуна бўлиши ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили улар 256 минг 441 сўмлик, жами 110 газета ва журналларга ёзилганлар. Бу йил ҳам ушбу анъанани давом эттирмоқчилар.

Тошкент вилоятидаги Қуйичирчиқ туман Кенгаши депутати Г. Ротштейн пенсионер ва кўп болали 3 хонадонни таъмирлашга ёрдам берди. Пскент туман Кенгаши депутати Р. Соипов Ёрдам ва Чортепа қишлоқларини газлаштиришга, тегирмон ва шлакоблок ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширишга кўмаклашди. Паркент туман Кенгаши депутати С. Орзиев ҳаракати билан эса, 33-мактаб ўқувчилари бепул нонушта билан таъминланмоқдалар.

Тошкент шаҳридан Олий Мажлис депутати Б. Қосимов кўмагида Бектемир туманидаги 570-болалар боғчасига қурилиш ашёлари, кўрпа-тўшак жилдлари олиб берилди, 293-мактаб биноси таъмирланди, Кўрлар жамияти ва бошқа ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатилган. Олий Мажлис депутати А. Алимбоевнинг ишлари кўп жиҳатдан намунали. У Миробод туманидаги 94, 158, 214, 263-мактаблар, «Файзиобод», «Оқ уй», «Сарикўл» маҳаллаларида ободончилик ишларини амалга оширишга катта ёрдам кўрсатди. Олий Мажлис депутати М. Мартьяновнинг бевосита иштирокида Назарбек шаҳарчасида янги шифохона биноси қад кўтарди.

Фарғона вилоятидан парламент аъзоси Р. Қурбоновнинг жонкуярлиги туфайли 41 км. масофага газ қувурлари тортилиб, 1400 хонадон табиий газ билан таъминланди, 3000 беморга хизмат кўрсатадиган врачлик амбулаторияси ташкил этилди, 29-ўрта мактабга янги бино қуриб берилди, 5000 ўринга мўлжалланган деҳқон-саноат бозори ишга туширилди. Вилоят Кенгаши депутати А. Мансуров ёрдамида Марғилон шаҳрининг «Йўрмадўз» маҳалласи бошқаруви биноси зарур анжомлар билан жиҳозланди. Сайлов округидаги кам таъминланган оилаларнинг 230 нафар фарзандлари болалар оромгоҳларида бепул дам олдилар.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида партиядан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган вилоят ҳокими ўринбосари Р. Йўлдошев 7, 15-сонли мактаблар, 1-сон вилоят касалхонаси, 4, 8, 16-маҳалла қўмиталари биноларини таъмирлашга бош-қош бўлди. Вилоят Кенгаши депутати, «Жанубгазстрой» қурилиш трести бошлиғи Е. Каримов Хива шаҳридаги «Каптархона», «Кумяска» маҳаллаларидаги кўчаларни асфальтлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни уюштириш билан одамларнинг дуосини олди.

Қашқадарё вилоятидан партия Марказий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Н. Зайниев ўзининг савобли ишлари билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлганлардан. «Хитой» қишлоғида 620 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносининг қурилиши, бир неча маиший хизмат кўрсатиш масканининг ишга туширилиши, «Қарлиқ» ва «Хитой» қишлоқларининг тўлиқ газлаштирилиши, Муборак шаҳрида ўн беш минг ўринли футбол ўйингоҳи, спорт соғломлаштириш мажмуи, теннис кортининг қурилиши унинг номи билан боғлиқ.

Қарши туман Кенгаши депутати, туман партия кенгаши биринчи котиби Ш. Амирқуловдан ҳам сайловчилар мамнун. Унинг ташаббуси билан «Қовчин» қишлоғида 320 ўринли мактаб биноси, савдо дўконлари, умумий овқатланиш шаҳобчалари бунёд этилди. Бундай мисоллар рўйхатини яна чўзиш мумкин, албатта. Лекин, Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик фаолияти тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун, келтирилган далиллар ҳам кифоя, деб ўйлаймиз.

Қиссамиздан ҳисса шуки, эндигина етти ёшга қадам ташлаётган партиямиз сиёсий фаолиятнинг мураккаб ва масъулиятли жабҳаларидан ҳисобланмиш парламентчилик ишининг сир-асрорларини аста-секин эгалламоқда, бу соҳада ҳам тажриба орттирмоқда. Партиядан давлат ҳокимияти турли даражадаги вакиллик идораларига сайланган депутатлар Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштирмоқ учун хормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Суратларда: фракция йиғилиши ва Олий Мажлис XII сессиясида.

Шавкат АКРАМОВ ва Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар

Депутат ахборот беради

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатларга амалий кўмаклашишнинг яна бир синалган шакли, бу — уларнинг ахборотларини вақт-вақти билан тинглашдир (депутатларнинг ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб, уларга ҳисобот ва ахборот беришларидан ташқари, албатта). Кўпчилик партия кенгашлари бундай амалиётдан кенг фойдаланмоқдалар. Сайловлардан кейин ўтган давр ичида Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида партиядан сайланган депутатларнинг ярмидан кўпроғи, туман ва шаҳар Кенгашларидаги вакилларимизнинг учдан бир қисми ўз депутатлик фаолияти тўғрисида шундай ахборот берди.

Айтайлик, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ХДП тузилмаларида депутатларнинг ахборотлари партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари ва ижроия бюро мажлисларида тингланмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари А. Абдукаримов, Б. Оразалиев, О. Халимбетов. Т. Темирбоев ҳамда Жўқорғи Кенгес ва маҳаллий Кенгашлар барча депутатларининг ахборотлари тегишли партия тузилмаларида кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Нукус шаҳар, Тўрткўл ва Хўжайли туман партия ташкилотларининг бу соҳадаги ишларини ўрганиб, тўпланган тажрибаларини умумлаштирди, мавжуд нуқсонларни тугатишга қаратилган маслаҳатлар берди. Шунингдек, барча шаҳар ва туман партия кенгашларига тегишли тавсияномалар йўллади.

Бундай амалиёт Тошкент шаҳар, Наманган, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва қатор бошқа вилоятлар партия ташкилотлари, барча даражадаги кўплаб ХДП кенгашларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, партиядан вилоят Кенгашига сайланган депутат Ҳ. Аҳмедов вилоят партия кенгаши пленумида ахборот берди. Депутатлар Р. Сойипов, С. Балашов, Ж. Хоназаровларнинг ахборотлари ижроия бюро йиғилишларида эшитилди.

Хуллас, партиядан сайланган депутатларнинг ўз ваколатлари доирасидаги фаолиятлари тўғрисидаги ахборотларини тинглаб, уларнинг ижобий ишларини қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш, муаммоларнинг ўз ечимини топишига оид маслаҳатлар бериш Ўзбекистон ХДП ташкилотлари парламентчилик фаолиятида муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Туркманистон Президенти С. Ниёзов музокаралари якунларига доир қўшма коммюнике

1998 йил 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Туркманистон Президенти С. Ниёзовнинг таклифига биноан Туркманистонга амалий ташриф буюрди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки қардош давлатларнинг раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва тараққиёт уфқларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро доирадаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Иккала мамлакат раҳбарлари яхши қўшничиликдаги ҳамкорлик иккала давлатнинг ҳам узоқ муддатли манфаатларига тўла мос келишини яна бир бор таъкидлаш билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг чуқур тарихий ва маданий умумийлигига асосланган ўзбек-туркман шериклигини келажакда янада чуқурлаштириш учун етарли салоҳият борлигини уқтириб ўтдилар. Шу муносабат билан давлатларнинг раҳбарлари барча йўналишлар бўйлаб икки томонлама ўзаро ҳаракат учун залворли, шартномавий-ҳуқуқий база мавжудлигига алоҳида тўхталиб ўтишди. Бунинг учун эришилган келишувлар амалий ижроси механизмларини такомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Маънавий-маданий алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга, бу борада қўшма тадбирлар ўтказиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатларнинг раҳбарлари савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида транспорт ва бошқа коммуникацияларни янада ривожлантириш муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Президентлар иккала мамлакатнинг ички сиёсий ва давлат тараққиёти масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистонда сиёсий ва демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлида ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг кенг кўламли дастурини рўёбга чиқариш учун амалий ҳаракатлар зарурлиги ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон Президентлари ўртасида қатор халқаро муаммолар бўйича ҳам муфассал фикр алмашувлар бўлиб ўтди ва бу мулоқотларда жаҳон ва минтақавий сиёсатнинг кўпгина масалаларида томонларнинг тутган йўллари ўхшаш эканлиги намоён бўлди.

Томонлар Афғонистонда давом этаётган ҳарбий зиддиятлардан чуқур ташвиш билдириб, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг тезроқ ўрнатилиши жабрдийда афғон халқи манфаатларига хизмат қилишини ва бу, шубҳасиз, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳам мос келишини таъкидладилар.

Президентлар БМТ Бош котиби К. Аннаннинг Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Давлатларнинг раҳбарлари халқаро терроризм, наркобизнес, зўравонлик ва экстремизм ғоялари, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби хавфларга қарши кураш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда кучларни биргаликда мувофиқлаштиришни ёқлаб фикр билдирдилар. Бу йўналишда қўшма амалий чоралар кўрилиши учун ҳар иккала мамлакатнинг тегишли давлат органларига аниқ топшириқлар берилди.

Томонлар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги йўналишни қатъий давом эттиришда якдилликларини баён қилиб, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро алоқаларни кенг ривожлантириш асосида минтақавий ҳамкорлик, турли халқаро ташкилотлар ва анжуманларда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон Президентларининг музокаралари иккала давлат раҳбарларининг муносабатлари учун алоҳида аҳамият касб этган, анъанавий, ўзаро тушуниш ва фойдали мулоқот муҳитида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркманистон Президенти С. Ниёзовга самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, уни Ўзбекистон Республикасига ўзи учун қулай пайтда ташриф буюришини таклиф қилди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди, ташриф муддати дипломатик алоқалар йўли билан келишиб олинади.

Ашгабат,
1998 йил 16 октябрь.

21 октябрь — «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кун

Оқ сут билан руҳимга сингди

Ҳали тушунчани англаб етмаган одамдан миллатни талаб қилиб бўладими?!

«Онанинг оёғига бошингни қўйгил», — дейди Навоий. «Гўдакнинг тилидан кўра жозибалироқ тантана йўқ», — дейди Гёте. Ҳаётбахш сўзлар. Онани ҳурмат қилган тилини эъзозлайди. Гўдагини эъзоз қилган она муносиб қилиб тарбиялайди. Лекин, фарзандлар онги меъёридан ортиқ ривожланиб бормоқда. Буни техника асрига тақаб қўйдик. Биздан кўра ривожланган давлатлар мавжуд. Уларда техника икки баробар ривожланган. Бироқ она тилиси ўзгармаган. Дунёвий сўзлар миллийлаштирилган. Ўз тил қоидасидаги асосан унли, ундош ва тутуқ белгилари ишлатилган. Биз дунёвий сўз — термин деб луғатимизга барча сўзларни тиқиштирдик. Балки эски туркий луғатимизда ўша термин ўрнини боса оладиган сўз мавжуддир, деб ўйламадик. Тошкентдаги собиқ Волгоград кўчасидаги қардошлик қабристонининг олд қисмида, ўрта мактабнинг биқинида деворга қапиштирилган ҳайкаллар жамламаси бор. Қурол тутган аскарлар ва ёзувлар: ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун. Ёки, ватан туйғусини уйғотувчи сўзлар. Бунга ўхшаган жимжималар вилоятларда йўқ деб ўйлайсизми. Истаганча топилади. Лекин, бир нарсани унутмаслигимиз керак, уларни ўқиган бола она тили миллат қилган, дунё харитасида мавжуд қилган қудратли куч. Унинг софлиги — давлат аҳамиятига эгалигининг қуввати. Бунга эришмоқ учун, аввало, халқ миллат бўлиб шаклланиши керак. Миллат бўлиш учун она тили — адабий тил, давлат тилига, халқ тилига мукаммал айланиши керак.

Бир гал ойнаи жаҳонда Американи кўрсатишди. Бир украин аёли: мен Америка фуқароси эканлигимдан фахрланаман, дейди ғурур билан. Чунки, у тақдир тақозоси билан Америкада туғилган ва ўша ерда яшар экан. Миллат-ирқидан қатъи назар у ерда ягона тил халқни бирлаштиради, ватан ва давлат манфаатига хизмат қилдиради.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 21 октябрь куни 9 йил тўлади. Кўчаларга, йўловчи автоуловларга назар ташлайман: ўзга тил грамматикасини тўлиқ ўрганган ўзбек ўз она тилиси қоидасини билмаслиги мени таажжубга солади. Ҳалигача «Қ» билан «К»нинг, «Ў» билан «У»нинг, «Ҳ» билан «Х»нинг фарқига бормайдилар. Ҳатто «Й» билан «И» баъзан ўрин алмашиб қолади. Сирғалига қатновчи автоуловлар пештоқида баъзан «Сиргели», баъзан «Серғали», баъзисида «Сирғали» ёзувлари сизни ҳайратлантирмайдими? Кўчадаги шиорларни қўя туринг, жилла қурса, жой номини ҳалигача ўрнига қўя олмабмиз. Бир гал ўғлим 7-синф физика китобини кўрсатиб: шунча олимларимиз бор экан-а, деди. Қизиқсиндим: Курчатов, Вавилов, Циалковский, Королев, Ломоносов... ва ҳоказо. Тагидаги жумла: техника ва фаннинг ривожланишида ватанимиз олимларининг ишлари катта. Зўрми? Биронта ўзбек йўқ! Демак, русчадан таржима. Йўқдан кўра бори. Аммо, қайси Ватан? Ҳали тушунчани англаб етмаган одамдан миллатни талаб қилиб бўладими?!

«Онанинг оёғига бошингни қўйгил», — дейди Навоий. «Гўдакнинг тилидан кўра жозибалироқ тантана йўқ», — дейди Гёте. Ҳаётбахш сўзлар. Онани ҳурмат қилган тилини эъзозлайди. Гўдагини эъзоз қилган она муносиб қилиб тарбиялайди. Лекин, фарзандлар онги меъёридан ортиқ ривожланиб бормоқда. Буни техника асрига тақаб қўйдик. Биздан кўра ривожланган давлатлар мавжуд. Уларда техника икки баробар ривожланган. Бироқ она тилиси ўзгармаган. Дунёвий сўзлар миллийлаштирилган. Ўз тил қоидасидаги асосан унли, ундош ва тутуқ белгилари ишлатилган. Биз дунёвий сўз — термин деб луғатимизга барча сўзларни тиқиштирдик. Балки эски туркий луғатимизда ўша термин ўрнини боса оладиган сўз мавжуддир, деб ўйламадик. Тошкентдаги собиқ Волгоград кўчасидаги қардошлик қабристонининг олд қисмида, ўрта мактабнинг биқинида деворга қапиштирилган ҳайкаллар жамламаси бор. Қурол тутган аскарлар ва ёзувлар: ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун. Ёки, ватан туйғусини уйғотувчи сўзлар. Бунга ўхшаган жимжималар вилоятларда йўқ деб ўйлайсизми. Истаганча топилади. Лекин, бир нарсани унутмаслигимиз керак, уларни ўқиган бола онгида Ватаннинг илк куртаклари шаклланади. Тўғри. Бироқ, қайси Ватан? Озодлик йўлида 70 ёшида ҳам отдан тушмаган Темур Ватанимми? Ёки юрт истиқболи учун азобларга чидаган, душман билан саҳрода қолиб жон таслим қилган Широқ Ватанимми? Йўқ, албатта! Ахир, етмиш йиллик мустабидлик қонимизга сингиб, мустақиллик кунимизда ҳам азоб бераётганини кўриб турибмиз. Нега болаларимизга юқтирамиз? Ҳа, ҳеч бир нарсага бефарқ қараб бўлмайди. Келажакда буюк Ватан қуришимизнинг бирдан-бир йўли буюк миллатни шакллантириш, мужассамлаштиришдир.

Ишхонамда ёзув-чизув билан банд эдим. Хонадошим қаергадир кўнироқ қилди: Жаҳонгир акани мумкинми? Жавобдан сўнг: Не понел? Жаҳонгир ака можна? — деди. Қисқа товушлар... Сўрадим: нима бўлди? — Жавоб бермади. Котибаликда ўзга элат вакили ўтириши фожеа эмас. Фожеа ўз юртингда ўзингни бегона ҳис қилишинг. Ўз тилингда икки оғиз жавоб ололмаслигинг, яна сени тил билмасликда айблаб ҳақорат қилиши фожеа. Ўша жойларда ўтирган раҳбарлар ҳаммасидан хабардор, лекин бефарқ. Ўзига эмас, миллатга, Ватанга бефарқ. Собиқ давр бизни шу кўйга солди. Энди-чи? Ким мажбур қилаяпти? Нега ўзлигимизни ўзимиз англаб етмаяпмиз? Ёки ўз она тилимизни мукаммал ўрганишимиз учун ҳам фармон, қонун чиқарилиши шартми?

Албатта, гапириш осон, бажариш эса мушкул. Кейинги пайтларда баъзи нашриётлар сотилмай қолган китобларини мактаб ўқитувчилари орқали ўқувчиларга мажбуран сотираяпти. Китоб — офтоб, деб бежиз айтилмайди. Лекин, ўша китобнинг савиясига, ўқувчига керак ё кераксизлигига ким жавоб беради? Буни ҳам қўя турайлик, бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси қайсидир китобни кўргазма қилишми ёки болага билим ўргатишми? Нега ўз манфаатимизни деб ўқитувчини чалғитамиз? Ахир, вақт бизни кутиб турмайди. Ҳар бир ўтган дақиқа бой берилган имкониятдир. Вақт бизнинг ортимиздан қувмайди ҳам, биз вақтнинг ортидан қувиб яшашимиз керак. Шундагина моддий манфаатнинг эмас, ўзлигимизнинг қадрига етамиз. Бир гал қўшним: сиз газетада ишлайсиз, қизимга битта 3-синф «Ўзбек тили» китобидан топиб беринг, деб қолди. Дарсини тайёрлай олмай ўқитувчисидан дакки эшитаяпти экан. Ахтардим, тополмадим. Бу нимаси, ҳали шаҳар мактабларига тўлиқ етказиб берилмабди. Она тилини она тилисиз ўрганаяпти баъзи ўқувчилар...

Шанба куни эди. Кичкинагина томорқада эрмакка ер ағдараётган эдим. Беш-олти нафар ёшгина қизчалар ўз билгича ўйнаб туришувди. Шунда қулоғимга: ... Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон... Давлат мадҳиямизнинг сатрлари чалиниб қолди. Эътибор бера бошладим. Иккитаси тик туришган, биттаси олдида дирижёрлик қилаяпти, учтаси бемалол ўтириб олишган — росмана томоша саҳнаси. Жажжигина қизчанинг қўл ҳаракатлари ашулага мос келмасди. Лекин, шу қадар берилиб ҳаракат қилардики, барибир, кишини ўзига тортарди. Ашула айтувчилар ҳам жиддий туриб хиргойи қилишарди. Бир қарашда уларнинг ҳолатлари кулгили эди, аммо, эндигина онгги шаклланиб, оқ-қорани таний бошлаган қизалоқларнинг дунёни миллат мадҳияси билан қаршилаётгани кимни тўлқинлантирмайди дейсиз. О, онажон, о, она Ватан! Болаларинг мадҳинги шарафлаётгани, бугунги имкони етгунча атрофга тараётгани нақадар соз! Уларнинг қонида, илоҳи, Ватан оқсин, миллат оқсин, она тилиси оқсин! Биз бефарқлигимиз билан йўлдан чалғитиб қўймасак бас! Миллатимиз ўзани асрлар қаъридан бошланган, ўзани асрлар қаърига етгувчи уммон. Бу уммон ёмонлик истаганларни оқизиб кетади, яхшилик истаганларга ҳаёт ато этган.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қандай бажарилмоқда?



Пойтахтнинг Қатортол, Усмон Носир ва Фарҳод кўчаларида...

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

Обуна 99

КЎНГИЛДАГИ ЁРУҒЛИК

Қаерда раҳбар ташаббускор, талабчан бўлса, ўша жойда иш ҳам кўнгилдагидек бўлар экан. Тўғриси 90-йиллар бошигача Нишон туманидаги марказий шифохонада иш ҳам, интизом ҳам ўзига яраша эди. Шифохонага С. Эркаев бош шифокор этиб тайинланди-ю, ҳаммаси ўзгарди қолди.

Дастлаб шифохона тез орада Янги Нишон мавзеидаги янги бинога кўчирилди. Ички имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда жарроҳлик, шикастланганларни, қулоқ-бурун касалликларини даволайдиган бўлимлар иш бошлади. Бош шифокорнинг ўзи жойлардан зўр мутахассисларни қидириб топиб, шу ерга бирин-кетин жалб қилди. Туман марказий шифохонаси қошида бир қанча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган касалликларни аниқлаш бўлими ташкил этилди. Қисқаси 6-7 йил ичида амалга оширилган янгиликларни, ислоҳотларни айтиб адо қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан айнан шу ерда бир неча бор ўтказилган семинарлар ҳам туманда тиббиёт соҳасида талай ютуқларга эришилганлигидан далолат бермоқда.

Фақатгина булар эмас, соҳадан ташқари бош шифокор маънавий-маърифий ишларга ҳам жиддий эътибор қаратаётир.

— Газета-журналлар ўқисак кўнглимиз ёришади, — дейди у. — Яқинда бу ерда ЎзХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда партия нашрларига обуна масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бунга асосан кўпчилик шифокор, ҳамшира ва бошқа хизматчилар шифохонанинг ички имкониятларидан фойдаланиб, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлишади. Хусусан, 50 нафар тиббиёт ходими «Ўзбекистон овози» учун обуна рўйхатига киритилди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги замон одами

«Ривожланган минтақа — кучли давлат негизи!»

— дейди ХДП Хоразм вилоят кенгаши иккинчи котиби Бахтиёр Рўзметов.

Хоразм — давлатимизнинг чекка ҳудуди, Орол денгизи муаммоси боисдан бир қатор экологик, иқтисодий қийинчиликлар мавжуд минтақа. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бу айниқса бор бўйи билан кўриниб қолди. Негаки, минтақа имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Мамлакат аҳолисининг 5,4 фоизи истиқомат қиладиган ҳудудда пул даромадлари атиги уч фоиз атрофида. Қишлоқ хўжалигида рентабеллик паст. Ҳар бир киши ҳисобига маҳсулот етиштириш борасида туманлар орасида тафовут ярқ этиб кўзга ташланади...

Бу тўпланган муаммо ёки олимни қийнаган саволларнинг бир қисми, холос. Хўш нима қилмоқ керак?

...Яқинда республика макроиқтисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар институти ихтисослашган кенгаши йиғинида «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида минтақаларни комплекс ривожлантириш «Хоразм вилояти мисолида» мавзуида докторлик диссертацияси ҳимояси бўлди. Мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг йирик олимлари —кўплаб фан намояндалари илиқ фикр билдирган ва муваффақиятли ёқланган илмий иш муаллифи ёш олим Бахтиёр Рўзметов эди.

Олимда кун тартибидаги долзарб мавзуни илмий ўрганиш, таҳлиллар билан исботлаш, минтақанинг узоқ даврга мўлжалланган иқтисодий дастурини ишлаб чиқиш фикри бирданига пайдо бўлмади.

Мустақиллик ёш олимга илмий изланишлар олиб бориш, ўзи қизиққан соҳани чуқур ўрганиш, тадқиқ қилишга имкон яратди. Зеро, унинг навбатдаги йирик изланишларида айнан шу давр руҳи намоён. Илмий иш устида ишларкан, у мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини равнақ топтириш, етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун минтақалар иқтисодий эркинлиги ва масъулиятини ошириш нақадар зарурлигини англади. Фақат шундагина ишчи кучлари, хомашё заҳиралари, қувватлардан фойдаланиш сурьатларини ошириш мумкин. Минтақаларни комплекс ривожлантириш, айниқса Орол фожеаси сабабли аҳоли саломатлиги, ерларнинг унумдорлиги пасайиб бораётган, сув ва ҳавоси ифлосланган Хоразм учун катта наф келтириши мумкин.

Бунинг учун бир неча йиллик иқтисодий кўрсаткичларни қалаштириш билан иш битмайди. Илмий иш — статистик кўрсаткичлар мажмуаси ҳам эмас. Бунинг учун минтақаларни комплекс ривожлантиришнинг чуқур таҳлилланган илмий-услубий асослари ишлаб чиқилмоғи, барча муҳим йўналишларга эътибор қаратилмоғи лозим.

Мавзу ўта мураккаб ва долзарб. Айни пайтда деярли янги фан. Олдинлари шу юзасидан илмий ишлар қилинган, аммо поёнига етказилмаган. Айрим ҳолларда минтақаларни ривожлантиришнинг турли йўналишлари таҳлил қилинса-да, ларда бозор иқтисодиёти шароитлари ҳисобга олинмаганди. У кандидатлик ишини ёқлаган пайтдаёқ бир муддат Ўзбекистон ФА «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Хоразм филиалига етакчилик қилди. Бу ерда вилоят халқ хўжалигида автоматик бошқариш услубларини тадбиқ қилиш борасида қатор ишланмалар тайёрлаб, амалиётга тадбиқ этди. Марказий Осиё газ узатиш мажмуида ишлаб чиқаришни компьютерлар билан бошқаришни жорий қилишда фаол қатнашди. Ёш олимнинг ишчанлиги, янгиликларга ўчлигини пайқаган вилоят раҳбарияти уни фан ва ўқув юртлари бўлимини бошқаришга таклиф қилди ва айни пайтда илмий ишларини давом эттириш учун шароит ва имкон яратиб берди....

Бахтиёр Рўзметов кенг қамровли фаолият соҳиби. Айни пайтда у ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши иккинчи котиби, Урганч Давлат университети менежмент ва маркетинг кафедрасининг мудири. Унинг кўпгина илмий ишлари, асарлари мамлакатимиздагина эмас, Марказий Осиё давлатларида ҳам чоп этилиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастуриламали тарзида ўрганилмоқда. У АҚШ «Евро Осиё» жамғармаси томонидан Марказий Осиё иқтисодий мавзудаги лойиҳалар бўйича ўтказилган танлов ғолиби ва грант соҳиби, АҚШ иқтисод марказининг аъзосидир...

Шугина эмас. Бу олимнинг имкони, илмий фаолиятининг бир бўлаги, унинг келгусидаги улкан изланишлари, ташкилотчилик-илмий фаолиятининг дебочаси, холос...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хатлар, хатлар, хатлар

«Янгиобод» ўгай қишлоқми?

Олис Қизилқум сарҳадларидаги Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларига ҳам аллақачон табиий газ етиб борган. Бироқ Навоий вилояти марказидан атиги 20-25 километр узоқликда бўлган Конимех тумани қишлоқларига ҳалигача «зангори олов» етиб бормаган.

Туманнинг чўл ҳудудларидаги Абай номли, «Қизилқум», «Қароқота» жамоа хўжаликлари овул ва ўтовларини ҳозирча қўйиб турайлик. Бу яқин орада мазкур хўжаликларга газ етиб боришига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Аммо туман марказий қўрғонига яқин бўлган «Шўркўл» жамоа хўжалиги қишлоқларини тўлиқ газлаштириш мумкин-ку! Бунинг устига хўжалик ҳудудига ўрта босимли газ қувурлари тортилганига, «Мамиқчи», «Кенигез» қишлоқларидаги қарийб 500 та хонадонда арзон ёқилғи ёнаётганига икки йилдан ошди.

Афсуски, «Янгиобод», «Қатағон» қишлоқларига келганда иш тақа-тақ тўхтаб қолди. Баҳона пул ва маблағ етишмаслиги эмиш. Ахир, бу «ўгай» қишлоқларда ҳам аҳоли истиқомат қилишаяпти-ку? Айни кунда «Шўркўл»даги 4 та қишлоқдан иккитасида ҳам газ ёнаяпти. Қолган иккитасига қолганда — эски ҳаммом, эски тос. Аниқроғи 1100 оиланинг ёки 6,5 минг аҳолининг тенг ярмиси ҳозир мушкул аҳволда. Кимдир кўмир излаб шаҳар кезади. Кимдир чўлда саксовул қидиради. Яйловлардаги мавжуд саксовулзорларга қирон келаётгани ҳам худди шу ёқилғи машмашасидан.

Нафақат табиий газ, балки ичимлик суви муаммоси ҳам «Янгиобод»ликларнинг энсасини бутунлай қотирган. Обиҳаёт муаммоси ҳаливери ечилмайдиган кўринади. Чунки, мустақиллигимизнинг 7 йили ўтиб, эндигина туман марказига қадар Дамхўжанинг зилол суви етиб борди. Унинг қишлоқларга қадар оқиши, аҳоли ичимлик суви билан баҳраманд бўлишига кўзингиз етмайди баъзан. Бундай салбий ҳолатлар «Шўркўл»ликларни яна қанча қийнаши ҳозирча жумбоқ. Бу аҳволда юртбошимизнинг аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги фармони ижроси Конимех туманида қачон ўз аксини топар экан?!

Ш. МУЗАФФАРОВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Қувур нечун бўш?»

Газетамизнинг шу йил 12 сентябрь сонида «Қувур нечун бўш?» сарлавҳали танқидий мақола ёритилган эди. Ушбу мақола юзасидан Амударё туман ҳокими Ф.У.Эрмонов имзоси билан олинган жавоб хатида қуйидагилар баён этилган:

«Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда «Қанғли» жамоа хўжалигида табиий газ босими нормадагидан анча паст. Сабаби туманимизда газлаштириш 1972-74 йилларда лойиҳалаштирилган. Унга асосан ҳар соатига 44280 метр-куб табиий газни тақсимлаш станцияси қурилган. Ўшандан буён туманимизда истеъмолчилар сони 2,5 баробар ошган. Газ тақсимлаш станцияси жиҳозлари эса анча эскирган...

Ҳозирги кунда туманимизда газ тармоғини Газли-Нукус газ магистралига улаш масаласи ҳал этилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида қурилиш ишлари амалга ошгач, «Қанғли» жамоа хўжалигида ҳам табиий газ таъминоти яхшиланади.

«Қора бозор»да 33 миллион

Гватемалада полиция ходимлари жуда катта ҳажмдаги, «қора бозор»да 33 миллион АҚШ долларига тенг келадиган кокаинни мусодара қилди. Маълум бўлишича, кокаинни Мексика орқали АҚШга элтиш учун йўлга чиққан икки киши ҳибсга олинган. Тергов давомида наркотик модда Гватемала жанубида фаолият юритувчи «Лусиано» картелига тегишли экани аниқланган.

Ҳалокатга учради

Шимолий денгизнинг Дания соҳилларига яқин жойида Украина юк кемаси ҳалокатга учради. Айни пайтда кемадаги 11 денгизчидан 5 нафари қутқариб олинган. Воқеа содир бўлган жойда Дания ҳарбий-денгиз кучларига қарашли кема ва вертолётлар қидирув-қутқарув ишларини ўтказмоқда.

Ўз фикридан қайтмаяпти

АҚШ маъмурияти ҳали ҳам Каспий нефти экспорт қилинадиган асосий қувур Боку-Жайҳон йўналиши бўйлаб ётқизилиши керак, деган фикрдан қайтгани йўқ. Бу ҳақда Давлат котибининг биринчи ўринбосари С. Тэлбот хабар қилди. Айрим хорижий нефть компаниялари қувурни бошқа йўналиш бўйлаб ўтказиш бўйича музокаралар ўтказмоқда. Шарқ-Ғарб нефть йўлаги қайси йўналиш бўйлаб қурилиши масаласи шу ойнинг охирида ҳал бўлиши керак. С. Тэлботнинг айтишича, келаси ҳафта АҚШ Президенти ва Давлат котибининг Каспий энергетикаси масалалари бўйича маслаҳатчиси Р. Морнингстар ушбу минтақага сафар қилади.

«2000 йилгача ҳали вақт бор»

Красноярск ҳокими А. Лебеднинг укаси Хакасия Автоном Республиканинг ҳукумат бошлиғи Алексей Лебедь 2000 йилда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиш имконияти йўқ эмаслигини айтди. Лекин, «ИФ»га берган интервьюсида «Ҳозирча узил-кесил бир қарорга келганим йўқ. 2000 йилгача ҳали анча вақт бор. Ҳамма томонларни ўлчаб, ўйлаб кўришга вақт етарли» деди.

Шайтон йўлдан урган-да

Дунёда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа-ҳодисалар кўп. Яқинда Францияда худди шундай ҳодисанинг гувоҳи бўлишди.

Катта бир шифохонада 70-90 ёшлар орасидаги кексалар даволанишаётган эди. Бу шифохонада одатда тузалишидан умиди узилган, яъни тузалмас касалликка дучор бўлганларни даволашар эди. Париж яқинидаги Мант-ла Жоли шаҳридаги ана шу касалхонадан бир ҳамшира қамоққа олинди. Нега дейсизми?

Ҳамшира 30 га яқин кишининг жонига қасд қилганлигида айбланмоқда. Бу сир қандай ошкор бўлди?

Касалхонада 1997 йил бошидан буён ўлим сони кескин кўпайган. Уларнинг кўпчилиги 72 ёшдан 88 ёшгача бўлган қариялар экан.

Текширишлар 30 ёшли ҳамшира уларнинг ўлимига бевосита сабабчи бўлганлиги аниқланди. Ҳозирча унинг номи ошкор этилганича йўқ. Аммо, сўроқда у шу нарсани тан олди: беморларга ҳаддан ташқари ачиниб кетганидан шундай қилган эмиш?! Беморларнинг азоб-уқубат чекаётганлигига сабр-тоқати чидамаганлигидан шундай қилганлигини очиқ тан олди.

Яна бир ажабланарли томони, у кексаларнинг қариндошлари ва ҳатто беморларнинг ўзлари илтимос қилганликлари учун уларни нариги дунёга жўнатган. Аммо, бундан ҳам ажабланарлиси — ўлдирилган кексаларнинг оилаларидан шу пайтгача бирон марта шикоят тушмаган.

Шиорда ҳам ғап кўп

Японияда кўргазмали ташвиқот юритишнинг антиқа усуллари бор. Кузатувчиларнинг ёзишларига қараганда, Японияда ҳеч қачон «Бу майсазорда юриш мумкин эмас» деб ёзилмас экан. Аксинча, мана бундай шиорлар ёзиб қўйилар экан: «Бу майсазорда фақат ҳайвонлар юради». Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳеч ким ўзини бундай хорликка солгиси келмайди. Хуллас, Япониянинг ҳамма жойида ана шундай янгича шиорларни учратиш мумкин.

Радио ва телевидение суҳандонлари эрталаб экран ва эфирга чиқишлари биланоқ «Хайрли тонг» деган одатдаги жумла билан томошабин ва тингловчиларга мурожаат этишади. Бу Японияда шундай маънони билдирар экан. «Биз яхши меҳнат қилиш учун уйғондик».

Қисқаси қаерга қандай шиорлар ёзиб қўйишни японлардан ўрганса арзийди. Барча жойларга кишилар руҳиятига таъсир қиладиган шиорлар битилган. Аммо, шиор кетидан қувиш ҳам гоҳида «ҳаддидан ошиб кетса» қизиқ бўлар экан. Яқинда мутахассислар йўловчиларнинг эътиборини тортиш мақсадида йўловчилар ўтадиган жойда ўзга сайёрадан келганларнинг изларига ўхшаш йирик-йирик оёқ излари суратини чизишган. Яхши биламизки, йўловчилар ўтадиган жойларда одатда «зебра» белгиси қўйилади. Аммо, Японияда полиция йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпроқ қисми йўловчилар ҳиссасига тўғри келаётгани учунми, уларнинг эътиборини тортиш учун одамлар ўтадиган жойларда ана шундай ўзга сайёраликлар изларини расмга туширишган. Йўловчи албатта унга нигоҳи тушиши билан у ёқ-бу ёққа қарашга мажбур бўлар экан.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 20 oktyabr, seshanba № 125 (23.362).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Орамиздаги одамлар

Маҳалла бекаси

Унинг ёши уч кам етмишда. Аммо ҳамон ёшлардек куйди-пишди. Тошкент шаҳри Миробод туманининг «Қўйлиқ ота» маҳалласи аҳли унинг ишларидан миннатдор. Муҳайё Исмоилова маҳалланинг қайси одами ҳузурига кирмасин, унга ёрдам бериш учун ҳеч нарсани аямайди, вақтини қизғанмайди. Бир қарашда бу оддий нарсадек туюлиши мумкин. Аммо ҳар бир одамга эътиборли бўлиш, унинг мушкулини осон қилишнинг ўзи бўлмайди. Йигирма ёшида Афғонистонда ҳалок бўлган А.Солижонов номини абадийлаштиришда ҳам у бош-қош бўлди. Ҳозир маҳалланинг марказий кўчаларидан бири унинг номи билан аталмоқда.

Яна бир гап. Одатда кўпгина маҳаллаларда эркакларни раис қилиб сайлашади. Бу сир эмас. Уларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Маҳалла аҳли бежиз оқсоқол деб эъзозлашмайди. Аммо Миробод туманида раис этиб аёллардан сайланаётгани ҳам сир бўлмай қолди. Ҳозир 39 та маҳалладан 4 тасида аёллар бош бўлиб турибди. Ана шулардан бири Ўзбекистон ХДП аъзоси Муҳайё опа Исмоиловадир. Яқинда унга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди.

— Раисмисан-раис-да, — дейди туман партия кенгашининг сардори Раиса Ивановна Кушчева. — Муҳайё опа ҳар қандай жамоат топшириғини қойилмақом адо этади. Тез кунларда у маҳаллада бошланғич партия ташкилотини тузмоқчи.

Ҳозир маҳаллада 1200 киши истиқомат қилади. Агар М.Исмоилова бош бўлган ана шу мактабда маҳалланинг ўқимаган одами қолмаган десак, асло муболаға бўлмайди. Шу сабабли ҳам маҳаллада каттаю-кичик Муҳайё опанинг номини ҳурмат билан тилга олади.

— Авваллари маҳалламиз ҳудуди икки баробар катта эди, — деб ҳикоя қилади маҳалла «бекаси». — Бектемир тумани ташкил этилганидан кейин маҳалламиз ҳудудининг ярми бошқа туманга ўтиб кетди. Ободонлаштириш ишларини давом эттирдик. Кўпгина муаммоларимиз ҳал бўлди. Аммо, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Масалан, бизга болалар майдончаси, кичик стадион зарур. Ёнимизда ҳусусий иссиқхона мавжуд. Унинг бир бўлагини ажратиб олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Албатта, маҳалла фаоллари олдида вазифалар кўп. Ўтган йили 101 га кириб вафот этган Бувайша хола тириклигида асло ёлғизлатиб қўйилмади. Бутун маҳалла кейинги ўттиз йил мобайнида унга ҳамиша мадад бериб турди. «Қўйлиқ ота» ҳудудида яна уч нафар ёлғиз онахонлар истиқомат қилишади. Улар ҳам маҳалладан мунтазам мадад олиб туришаяпти. Маҳалла қўмитаси 13 та ночор оилага, 75 та кўп болали оилага ёрдамини аямаяпти. Буларнинг ҳаммасида Миробод тумани ҳокими Бахтиёр Мақсудхўжаевнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Чунончи, унинг ташаббуси билан маҳаллага телефон ўтказиб берилди. Нуъмон Дадахонов, Зокирхожи Каримов сингари пенсионерлар, 213-мактаб ўқитувчиси Гулистон Рўзиева маҳалла ишларига фаол қатнашиб, унинг чиройини очишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Маҳалланинг маърака ва маросимларида Муҳайё опа Исмоилованинг фаол иштирокини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Биз унинг ҳузурида бўлган куни ҳам у қаёққадир шошиб турганди:

— Қўшни кўчада тўй, — деди у табассум билан. — Бизни ҳам таклиф этишган.

Ҳа, куз — ўлкамизда тўй фасли. Юртимизда тўйлар кўпаяверсин. Бу — ҳаётимиз тўкин бўлиб бораётганидан бир нишона. Бунга эса Муҳайё опа сингари жонкуярларнинг қўшаётган ҳиссаси кун ва ой сайин ортиб бораверади...

Сулаймон МИЛУШЕВ

Сочинч

Аёл

Денгиз каби хайқирар
Орзуларим тўфони.
Мен капалак, мен учдим,
Ошиқ бўлсанг тут қани.

Дашт чангидай хаёлим хорғин,
Дардим қалбда бир бўғча тугун.
Ҳислар тошар, манзил йўқ бироқ,
Туш кўраман: тонглари оппоқ.

Ишқ майини сипқорди лабим,
Муҳаббатдан тондимми? Қондим?
Гўё кўнглим бўм-бўш бир кўза,
Ҳаво ҳам йўқ оловдан ўзга.

О, сабрингга оғриндим аёл,
Сен сочига ўралган рўмол.
Гард юқмайди сочларга, валек
Аёл қарир тарк этмай ёшлик.

Кўнгил уйғонганда

Тўлқин ювар қирғоқни,
Майсаларда кўз ёши.
Соғинчдан ҳўл бўлади,
Бир аёл болишлари.

Учаётган капалак
Қўнолмади ҳеч гулга.
Толиқади қаноти,
Сиға қол ишқ, кўнгилга...

Муҳаббат БАСТАМОВА,
Арнасой тумани

Би-ир қўшиқ айтсам «сел» бўласизми...

80-йиллар... Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти биносига одмигина кийинган, бўйлари сумбатдек, чеҳрасидан нур ёғилиб турган соддагина қиз ташриф буюрди. Не кўз билан кўрсинки, имтиҳонлар тугаб кетган экан.

Қабул ҳайъатига бориб:

— Мен... шу ерда ўқимоқчийдим, — тортинибгина гап бошлади қизалоқ.

— Ахир, синглим сиз кечикдингиз. Энди келаси йили келарсиз, — жавоб беришди унга.

— Йўқ, шу йил санъаткор бўлмоқчиман, — соддалиги домлаларни хушёр торттирди. — Балки синаб кўрарсизлар?

Унинг майин, ширали овози барчага ёқиб қолди. Узоқ мулоҳазалардан, тортишувлардан сўнг қизалоқни ўқишга қабул қилишди.

Шу-шу Мунаввара Абдуллажонова санъат бўстонига илк қадамини қўйди. Санъатга бўлган меҳр астойдил ишлашга ундади уни. Мумтоз қўшиқларни ўрганди. Устози, Ўзбекистон Халқ хофизи Очилхон Отахонов Мунавваранинг камол топишига алоҳида ғамхўрлик қилди. Кейинчалик Ғанижон Тошматов раҳбарлигида ўз маҳоратини такомиллаштирди.

«Ашулачилик санъатида сиз репертуарингизда алоҳида шоир шеърларидан фойдаланасизми», деб сўраганимизда, «Аввало менга халқ йўлидаги қўшиқлар кўпроқ ёқади, қолаверса: лирик қўшиқларни эстрада жанрида куйлайман. Агар менга бирор шеър маъқул келса, куйга соламан, шоир танламайман», деган жавобни берди.

Кейинги йилларда Мунаввранинг «бисоти» анча бойиди. Турли жанрдаги қўшиқларни маҳорат билан ижро этиб, дилларга қувонч улашди. «Ўзбек, Ўзбекистон», қўшиғи кўплаб мухлисларга манзур бўлди. «Охужон», «Бозорга борманг, ёрим», «Оллоҳим» ва шунга ўхшаш бир қатор қўшиқлари ҳам эл олқишига сазовор бўлди.

— Биз сизни фақат табассум билан қўшиқ айтганингизни кўрамиз...

— Дардимни кўнгилга ютиб қўшиқ айтаман. Албатта, ҳар бир қўшиқ катта қийинчилик, ўзига хос изланиш натижасида вужудга келади. Зеро, ижод қилишнинг ўзи катта дард. Буни дастадаги ҳаммамиз яхши тушунамиз. Тўғрисини айтиш керак, ижодий қийинчиликлар ўз йўлига, уларни енгаман, чидайман деган одамгина санъат йўлига киради.

— Мунавварахон, маълумки ижодий сафарларда тез-тез бўлиб турасизлар. Бу иш чарчатмайдими? Уй-рўзғор, бола тарбияси деганларидай...

— Ҳа, ростдан ҳам сафарда кўп бўламиз. Чарчашга келганда, шуни айтиш керакки, халқнинг ўзи «йўл азоби, гўр азоби» деб қўйибди. Лекин, биздаги янги қўшиқни одамлар қалбига тезроқ етказиш иштиёқи ҳар қандай чарчоқни ҳам енгади.

Дейдиларки, бир беҳиштдек жой бўлган экан. У ернинг сойларида сувлар шарқираб оқиб, булбуллари хониш қилганда тош юраклар ҳам эриб кетар экан. Одамлари осойишта, бахту-фаровонликда яшашар экан. Ана шу юрт подшоси умрининг сўнгги дамларида ўрнига фарзандларидан бирини эмас, энг кенжа аёлини лойиқ топибди. Чунки у аёл оддий оила фарзанди бўлишига қарамай, тарбия топган, ақлли экан-да. Аёл тонгдан шомгача подшолик қилар, тунлари эса эл кўзидан яширинча ёлғиз жигарғўшасига ўз қўли билан нон ёпиб берар экан.

— Мунаввархон, турли эстрада гуруҳлари кўпайиб кетди. Мусиқаси четники, сўзлари ғализ, ижроси эса нўноқ. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Тўғри, бизлар мумтоз қўшиқлар тинглаб катта бўлдик. У пайтларда рок, поп, жаз каби мусиқа ҳали урф бўлгани йўқ эди. Айтганингиздай ҳозир бундай гуруҳлар кўп. Орадан йиллар ўтсин. Улар ўз йўлларини топиб олишади. Дастлабки қадам аслида шундай бўлади. Қани эди миллий эстарадани жаҳон миқёсига олиб чиқолсак. Менинг ўзим ҳам кўп қўшиқларимни миллий эстрада жанрида ижро этяпман. Бир нарсага аҳамият беринг-а, инсон умри ўтиб борар экан, унинг руҳий ҳолати ҳам, дунёқараши ҳам ўзгариб бораверади. Кеча эшитган эстрада бугун ёқмайди. Бугунги лирик қўшиқ эртага... мумтоз қўшиқларимиз ҳамиша дилга ором бағишлайди. Бу қўшиқлар бизнинг бир умрлик кўнгил мулкимизга айланади.

— Катта саҳналарда ҳаяжонланасизми?

— Наинки катта саҳнада, умуман мухлислар ҳузурига чиқарканман ҳар гал худди энди бошлаётган қўшиқчидек ҳаяжонланаман. Назаримда, санъаткор учун бу яхши. Зеро, ана шу ҳаяжон ҳар гал унга катта масъулият юклайди.

— Аёл кишининг бахти нимада деб ўйлайсиз?

— Аслида одамзотга кўп нарса керак эмас. Ёнингда сени тушунадиган, қувончингдан севинадиган дили пок дўстларинг, қайғурганингда куйинадиган дардкашларинг бўлса, оиланг тинч бўлса, шунинг ўзи улкан бахт. Касбингга, оилангга, халқингга муҳаббатинг чуқур бўлса бас. Қолган барча нарса ўткинчи дунёнинг ўткинчи ташвишлари.

— Муштарийларга тилакларингиз?

— Соғ-омон бўлишсин, юртимиз тинч бўлсин.

Мунаввархон билан хайрлашар эканмиз, унга янги-янги қўшиқлар яратишларида омадлар тиладик. Ўйлаймизки, унинг янги қўшиқлари ҳам мухлислари қалбидан чуқур жой олади.

Маъсуда ЁҚУБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Санъат олами

Карвон Самарқандга йўл олди

Халқаро теннис

Қарийб икки ҳафтадирки, ўзига хос халқаро теннис карвони Буюк Ипак йўли бўйлаб сафар қилмоқда. Мухлисларга аёнки, дастлабки халқаро сателлит мусобақаси Фарғонада ўтказилган эди. Куни кеча эса Қаршида янги фойдаланишга топширилган теннис ўйингоҳида илк марта ўтказилган нуфузли мусобақага якун ясалди. Бир неча кун мобайнида мухлислар катта теннисчинг нафасидан баҳраманд бўлишди. 13 мамлакатдан меҳмон бўлиб келган моҳир теннисчилар ғолиблик учун баҳслашдилар. Қаршида ҳамюртимиз Олег Огородовнинг омади чопди. У дастлабки баҳсда ўзини кўрсатолмаганди. Бу сафар эса жуфтлик учрашувларида Д. Панашевич билан ҳамкорликни ўрнига қўйиб россиялик А. Столяров билан А. Мериновлардан устун келди.

Якка баҳсларда ҳам устунлик қилди. У Т. Ғаниев, россиялик С. Позднев, А. Меринов, австралиялик Г. Вилчинигларни енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда финляндиялик Тапио Нурминенни мағлубиятга учратди. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ҳам ўзига хос байрамга айланди. Вилоят ҳокими Ш. Бегматов анъанага кўра, ғолибларга тўн-дўппи кийдириб эсдалик совғалари топширди. Мусобақа ёш теннисчилари учун маҳорат мактаби бўлганини таъкидлаб, келажакда шу кунларда Америкада ўзига хос теннис академиясини ўтаётган Санжар Шодиев сингари спортчилар камол топишига умидворлик билдирди. Энди мусобақа Самарқандда бўлади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Лутфуллаева*
Исми *Ҳаромхон*
Отасининг исми *Ғофиржон қизи*
Қачон, қаерда туғилган *1898 йил Фарғона вил. Охунбобоев тум. Ғармдон қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди *Фарғона вил. Охунбобоев тум. Абдулла Раҳмонов номли ж/х*
Узоқ умр кўришнинг сири *Озодалик ва меҳнатсеварлик* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Мустақиллик дунё тургунча турсин* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Омонат гап

ЁКИ БУҒДОЙ ЕЙИШ ХОСИЯТИ

Эндиликда кўпчиликка танилиб қолган тошкентлик сайёҳ Мурод Қосимовда бир одат бор. У ҳар наҳор ивитилган буғдойни истеъмол қилишни хуш кўради. Оила аъзоларини ҳам шунга ўргатган.

Гурунгларда гап тан-сиҳатлик, узоқ умр кўриш ҳақида кетса, Мурод ака албатта «Буғдой ейиш керак. Бу илоҳий неъмат, унда хислат, фазилат кўп», деб ҳаммамизни шунга даъват этарди.

Тарки одат... деганларидек, у дунё бўйлаб сафари чоғида ҳам ўзи билан икки кило буғдой олиб кетишга журъат қилганди. Куни кеча Мурод Қосимов Туркия пойтахти Анқарадан Тошкентга, уйига телефон қилиб, турмуш ўртоғи билан мулоқотда бўлди. Матлубахон эса, сафар тассуротлари ҳақида газеталарда мақолалар бериб турганимни у кишига айтибди. Сайёҳ бўлса, битта илтимос бор, иложи бўлса, газетхонларга ҳам таклифимни етказсалар: «Соғлом, бардам-бақувват юришни истаганлар, албатта ивитилган буғдойни еб юришни одат қилишса, сира кам бўлишмайди».

Қаранг, Мурод ака ўз юртида ҳаммага маслаҳат бериб юрадиган гапини Туркияда туриб ҳам такрорлабдилар. Қизиғи шундаки, сайёҳ сафар чоғида ҳам ҳар куни наҳорда ивитилган буғдой ейишни канда қилмаётган экан. Ўзи билан олиб кетган буғдой тугагач, турк биродарлар унга икки кило сара буғдой инъом қилишибди. Сайёҳ эса уларга ҳам мўъжизакор неъматнинг шифобахш хосияти ҳақида ҳикоя қилиб берибди.

Аслини олганда, бу мақолани ёзилишига ҳам сайёҳнинг газетхонларга етказиши лозим бўлган омонат гапи сабаб бўлди. Шу боис, Мурод аканинг Тошкентдалигида буғдой ҳақида айтган гапларини яна бир бор эслашга тўғри келади. У кишининг таъкидлашича, ҳар наҳор бир кеча-кундузда ивитилган 50-100 грамм буғдойни истеъмол қилиб юрган киши шамоллаш, йўталиш нималигини билмас экан. Шунингдек, кўзларнинг нури кўпайиб, тишлар «қурт»ламаслиги ҳам маълум бўлган. Яна милклар яллиғланмайди,. сочларга оқ ораламайди, эркаклик қуввати ортиши мумкин экан.

Дардни тортган табиб деганларидек, сайёҳ Мурод Қосимовнинг ўзида синаб кўрган бундай неъматдан фойдаланиш ҳамма учун фойдали бўлса ажабмас.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

РЕМ «Элтранс» ОТҲЖ акционерлари диққатига!

1998 йил 22 октябрь соат 10 да РЕМ «Элтранс» ОТҲЖ акционерларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади.

МАНЗИЛ
Тошкент шаҳар, А. Фитрат кўчаси, 180-б уй.
☎ 191-15-60

Кун тартиби:
1. Жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига асосан мувофиқлаштириш.
2. Дирекция ва Кузатув кенгашининг акционерлик жамияти ташкил этилган даврдан буёнги иш фаолиятини ва ишлаб чиқариш техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқариш бошқаруви самарадорлигини баҳолаш.
3. Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.
4. АЖ ижроия органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. Ижроия орган раҳбарининг Кузатув кенгаши ва акционерларнинг умумий мажлисига қиладиган ҳисоботлари графиги ва шаклини тасдиқлаш.
6. Турли масалалар.

Кузатув кенгаши.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

МАНЗИЛ
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» миллий хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11
Пейжер: (067) 90-79

Республика «Ўзбек ипаги» уюшмаси ва «Пилла — холдинг» холдинг компанияси жамоаси Фарғона вилояти Фарғона уруғчилик корхонаси раҳбари
Кўчкор Тўхтасинович ТЎХТАСИНОВнинг
бевақт вафот этганлиги туфайли марҳумнинг қариндош-уруғларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Автокорхоналар раҳбарлари ва шахсий автомобиль эгалари диққатига!

«Совутгич» ҳиссадорлик жамияти

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда сотади. Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ва ишончлигига кафолат берилади.

Нарҳи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, Саноат зонаси. Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида.
Телефонлар: (3712) 47-53-45, 47-03-06.

Диққат! Диққат!
Аҳолидан 1940 йилгача кулда тўкилган ҳар қандай ахволдаги ГИЛАМЛАРНИ киммат баҳоларда
СОТИБ ОЛАМИЗ
«Ориентир» этнография нашриёти.
Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: 133-01-58. Бошқа ҳудудларда яшовчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз. Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151. Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА